МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА БАҲОЛАШДА ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

Яҳёев Тўлқин Исматулла ўғли
СамИСИ доцент в.б.
Тел: + 998 94 533 66 75
Почта: yahyoyevtolqin93@mail.ru
https://doi.org/10.5281/zenodo.17499159

Аннотация: Ушбу мақолада қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда харажатлари усули асосида меҳнат ресурслари қийматини аниқлаш услубиёти амалий мисоллар асосида келтирилган.

Калит сўзлар: қурилиш хизматлари, асосий воситалар, амартизация, харажат, меҳнат ресурслари қиймати, иш ҳақи, номоддий активлар, айланма маблағлар.

Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда меҳнат ресурслари иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнат ресурслари - бу қурилиш жараёнини амалга оширадиган малакали ва малакасиз ишчи кучидир. Уларсиз ҳеч бир қурилиш лойиҳаси ёки хизмат тури самарали бажарилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам қурилиш соҳасидаги корхоналарда меҳнат ресурсларининг тўғри ташкилий бошқарилиши ва самарали фойдаланилиши ишлаб чиқариш натижадорлиги, хизматлар сифатини ошириш ҳамда рақобатбардошликни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Қурилиш хизматлари соҳасида меҳнат ресурсларининг аҳамияти шундаки, бу соҳада иш жараёни кўп жиҳатдан инсон меҳнатига боғлиқ. Қурилиш ишлари кўп босқичли бўлиб, ҳар бир босқичда турли малакали мутахассислар – муҳандислар, архитекторлар, техниклар, қурувчилар, электриклар, сантехниклар ва бошқаларнинг иштироки талаб қилинади. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг самарадорлиги тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш тезлиги, қурилиш сифатининг юқорилиги ва мижозларнинг қониқишига таъсир қилади.

Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда инсон ресурслари қийматини баҳолашнинг энг оптимал шакли бу харажатларга мутаносиб равишда инсон ресурслари қийматини аниқлаш усули бўлиб ҳисобланади.

Ушбу усул орқали инсон ресурслари қиймати қуйидагича аниқланади.

Биринчидан, қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда мавжуд моддий, номоддий ҳамда молиявий ресурслар қийматлари ҳамда ушбу даврда ушбу ресурслар бўйича амалга оширилган харажат миқдорлари ва корхонанинг инсон ресурслари билан боғлиқ харажатлари аниқланади.

1-жадвал

“ЯТС” МЧЖнинг 2024 йил 31 декабр ҳолатига активлари ҳамда 2024 йил давомида амалга оширилган харажат миқдорлари

млн сўмда

№	Кўрсаткич номи	Суммаси	Боғлиқ харажат миқдори

1	Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	245 782,0	36 867,0
2	Номоддий активларнинг ўртача қиймати	1 871,2	281,0
3	Айланма маблағлар ўртача қиймати	193 457,0	142 658,0
4	Инсон ресурслари ўртача қиймати	x	12 874,0
Жами		**440 110,2**	**192 680,0**

Иккинчидан, қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг инсон ресурслари билан боғлиқ харажатлари миқдорини умумий харажатлардаги улуши аниқланади.

$$УХУ = \frac{12\ 874,0}{192\ 680,0} * 100 = 6,68$$

Корхонада 2024 йил давомида жами амалга оширилган харажат миқдорининг 6,68 фоизи инсон ресурсларига амлага оширилганлиги аниқланди.

Учунчидан, қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг инсон ресурслари қиймати қилинган харажатларга тўғри пропарционал сифатида барча активларнинг 6,68 фоизини ташкил қилиши фарази бўйича аниқланади.

$$ИРҚ = \frac{440\ 110,2 * 6,68}{93,32} = 31\ 503,82$$

Ҳисоб-китоблар натижасида “ЯТС” МЧЖнинг инсон ресурслари қиймати 31 503,82 млн сўмга тенглиги аниқланди.

2-жадвал

“ЯТС” МЧЖнинг иқтисодий салоҳият даражаси ҳамда харажат миқдорлари ***млн сўмда***

№	**Кўрсаткич номи**	**Суммаси**	**Боғлиқ харажат миқдори**
1	Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	245 782,0	36 867,0
2	Номоддий активларнинг ўртача қиймати	1 871,2	281,0
3	Айланма маблағлар ўртача қиймати	193 457,0	142 658,0
4	Инсон ресурслари ўртача қиймати	31 503,82	12 874,0
Жами		**471 614,02**	**192 680,0**

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки “ЯТС” МЧЖнинг иқтисодий салоҳияти 471 614,02 млн сўмни ташкил қилади ҳамда ушбу салоҳиятда инсон ресурслари қиймати 31 503,82 млн сўмга тенг.